

Зоир ЗИЁ



ҚИЗИЛ СУМКАЧА

Зор ЗИЁ



ҚИЗИЛ СУМКАЧА

Ҳикоялар

Тошкент — 2005

Ижод қилишининг ўзига хос машаққатлари ва унинг орқасидан келадиган ҳузур ҳаловатлари бўлади. Бу шундай ҳузур-ҳаловатки, уни пул билан сотиб олиб бўлмайди. Бу — одамлар билан дардлаш, мулоқотда бўлиш, фикр муносабатларини бўлашиш, бирга баҳам кўриш.

Маъжур китобча муаллифи ёзувчи Зоир Зиё ҳам шу хайрли ишга бир қадар ўриниб кўрган. Ишни қанчалар уddалаганига баҳо бериш сизга боғлиқ. Ҳар ҳолда унга бир пайтлар "Муштум" журнали, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Тошкент оқшоми", "Тошкент ҳақиқати" каби газеталари саҳифаларида, теле ва радио эфирларида, "Ширин ҳаёт бандалари" деб номланган китобида берилган ҳикоя ва ҳажвиялари яхшигина далда бўлди. Демак, бу навбатдаги китоби ва асарлари. Ҳар нима бўлганда ҳам сув кўрмай, этик ейма, деганларидек, уни ўқиб кўрмагунингизча бир нима дейишингиз амри маҳол.

Хуллас, мутолаага марҳамат!

Нашр учун масъул:

А. ИРИСБОЕВ

Муҳаррир Мунаввара РАҲМОНОВА
Бадий муҳаррир Латиф ЗАМОН
Техник муҳаррир Саида ЭРКИНОВА
Мусаҳҳиха Азиза ТУРСУНОВА

Зиё, Зоир

3-60

Қизил сумкача: Ҳикоялар
(Зоир Зиё. Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2005. -64 б.

ББК 84(5У)6

© Зоир ЗИЁ

© № 64-2005

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2005.

ҚИЗИЛ СУМКАЧА

1


Қора осмон кулча нонга ўхшаган ойга ва бесанок юлдузларга тўлиб, аллақачон тун чаманзорига айланиб бўлган. Борлиқда узун тўрини ташлаган оғир сукунат ҳукм суради. Япроқлари ер битта билан бўлган дарахтлар эса, қуп-қуруқ қафтларини кўкка чўзиб, яна инъом сураётгандай оҳиста шивирлайди. Бетон ариқчаларда жилдираб оқаётган сув-чи. Беихтиёр ёдингизга гурунглашиб бораётган хамсуҳбатларни солади. Ҳа, бир маромда оқиб ётган дарёнинг унсиз шовуллашига ўхшаш осудалиги, ёқимли нафаси ширин-ширин хаёлларни дилларга печакгулдай ўраб-чирмаб, хотира дафтарларни бир-бир варақлашга тушади.

Айни чоғда, елкасига қора чармли қалин камзулини ташлаб олган Жамила тўққиз қаватли уйнинг тўққизинчи қаватидаги айвон деразасидан: ана шу ойга, юлдузларга тикилганча ўйга чўмган. Ширин хаёллар бағрида бўлса керак, чехраси яқиндагина муздек сувга чайиб олингандек масъум, самимий. Қора сочлари толаларини ингичка бармоқлари орасида ўйнатаркан, кўзларидан беҳос киприкларига, ундан юзларига сирғалиб, узилиб тушаётган кўз ёшларига эътиборсиз эди. Сўнг бирдан, биров туртгандек сесканиб тушди: «Ҳозир Ўктам нима қилаётганикин?» Дилдан кечган сўроқлари тилга тушиб, назарида ҳамма ёққа баралла эшитилгандек бўлди. Қаттиқ безовталанди. «Хаёт экансан, бир кун лоақал бир кун ҳам ўйларингдан, шубҳаларингдан соқит бўлиб, эркин яшай олмайсан?!»

У тез-тез лабини тишлаб тураркан, ичидан зил кетар ва шу билан бирга аллақачон режаларни пиштаётгандай яна ўйга кўмиларди.

— Тўғри-да, унда нима айб?

Бирон билан гаплашаётгандай ўзига-ўзи шу саволларни бераркан, ушбу воқеаларни бир-бир кўз ўнгиде тиклашга уриниб кўрди.



... Созандаларнинг шўх ва оҳанграбо куй-қўшиқлари оҳанги юраги жизиллаб турган йигит-қизларни ҳамон ўйинга чорларди. Айниқса, реза-реза тердан пешоналари ялтираб, елка ва кураклари намиққан беш-олти нафар ёш-яланг эса, зўр бериб ўзларича муқом қилиб, ўйин тушишаркан, дастурхон атрофидагилар ҳуштак чалишгани, қийқиришгани, зўр бериб чапак чалишгани сари улар баттар авжига минишарди. Аксарият меҳмонлар учун қатор тўзалган дастурхон атрофидаги ўриндикларнинг кўпчилигини банд қилган ҳам норғул йигитлар. Устол устидаги шишалар тўхтовсиз «салом» бериш билан, пиёлалару қадахлар эса, лабларга бўса бериш билан банд. Қўлларига сочиқча ташлаб олган, сишо кийинган уч-тўрт дастёр йигитча эса, мезбончиликни жуда ўринлатиб, кимга нима керак бўлса етказиш билан овора. Айниқса, серсалом шишаларга буюртма кўпроқ...

Жамила нариги томонда нотаниш тенгқурлар билан чақчақлашиб ўтирган, ҳозиргина Тохиржон ёнидан қўярдақўймай турғазиб кетган курсдоши Ўктамни зимдан кузатиб ўтирарди. «Гапини қаранг, Ўктам қизларнинг ёнида эмас, эркаклар билан бирга ўтириши керак эмиш. Бу Тохирнинг «устамонлиги» албатта. Ўктам эркаклар даврасига қўшилгандан кейин танишув бошланади. Танишув эса, ичкиликсиз кечмайди». Юзлари чўзинчоқдан келган бўлса ҳам истараси иссиқ, иягига кулгичлари ботиб турган, қора сочлари тикка-тикка ўсган Ўктам ҳам айни дамда атрофидаги йигитларга бефарқ эмасди. Айни пайтда чекка-чеккадан пиёлаларга арақ куйиб узатилаётгани маълум эди. Буни Жамила Ўктамнинг бир неча марта қўлини кўксига қўйиб, унга узатилаётган пиёлаларни рад қилаётганидан сезиб турарди. Киз ҳозир ана шунга доғда қолган эди.

Шу пайт Тохир ҳам кўзига ҳар қачонгидан ҳам шум, кўнгли қора бўлиб қўринди. Негаки у ёшлигидан бери «Ишқингда куйдим, ёндим, менга қачон қарайсан?» деб ёзишмаларидан тинмай, ҳоли-жонига қўймай келади. Мактабдан сўнг ҳам ундан қутулмади, орқасидан соядек эргашиб, у ўқишга кирган институтга ҳам... кирди. Мана энди-

чи, Жамилага ёққан йигит — қўлида турибди. Ўқтам ҳозирда Тохирнинг қўлида бир гувала лой. Ундан нима ясаш хам Тохирнинг ихтиёрида. Шу билан яхшигина ўч олволиши турган гап. Бу билан «Ҳой, қиз, менга кўнглинг бўлмас экан, бошқага ҳам беролмайсан ўша кўнглингни», демоқчимикин?! Йўғ-е, Ўқтам ҳам унга курсдош-ку, балки дўстдир ҳам. Шундай бўлгач,.. Ҳар холда ишониш қийин.

Жамила унга шу хаёллари билан термулиб турганида беҳос Тохир ўзи томонга кўз юборди-ю, ранги докадай оқариб, ерга қаради. Негаки шу тобда устидан бир челак совуқ сув тўкилиб кетгандай, бўшашиб қолган эди. «Нега менга қараяпти? — ўйлади у ичида. — Бу Тохир деганлари яна нима қилиқ ўйлаб тошганикин?» Жамила бошини қуйи эгиб олган қўйи ер остидан аста Ўқтам томонга яширинча кўз юборди. Кўз юборди-ю, қотди. Оёқларининг учигача титраб кетди. Унга нафақат Ўқтам, уч-тўрт йигит ҳам баб-баробарига телевизор кўраётгандай унга тикилиб туришарди. Жамила бош кўтаролмай қолди. «Нима бўлаяпти ўзи? Нега менга бундай, еб қўйгудек тикилиб туришибди? Мен уларга нима қилдим? Ҳозир бир нима бўлади-ёв».

— Кечирасиз, Жамила, сизни Ўқтамбой чақираяптилар!

Қиз овоз келган томонга ялт этиб ўгирилиб қаради-ю, ранги докадай оқариб кетди. Бу Тохирнинг яқин дўсти, дўст ҳам эмас, аслида ўзига соя қилиб олиб юрадиган, бир синф кейинда ўқиган Холмат эди. Жамила ундан исмини эшитгани ҳамано қаттиқ титраб кетиб, Ўқтамдан элчи бўлиб келган Холматга ўшқириб бермоқчи эди-ю, аммо ундай қилолмади. Ўзини анчайин босиб олган қўйи:

— Раҳмат, — деди ҳамон Ўқтамдан кўз узмай. — Яхшиси, ўзлари келсинлар. Сизни кутиб турган экан, денг.

Унинг бу гапларини эшитибми, тушунибми ўтирган Ўқтам бирдан ўрnidан тура бошлади. «Ҳозир ўзим гаплашиб кўяман», деган гапи Жамиланинг ҳам қулоғига эшитилди. Шунда уни кимдир ўтказиб қўйди. Ёнида ўша одам, назарида унга гап ўргатиб ўтирган... Ҳа, ҳа, бу — Тохир эди!

Кутди. Давранинг у томонида Ўктам қиз томонга қараганча ёнидагиларга алланималарнидир тушунтирарди. Ундан кам ичмаган Холмат эса, Жамила томонга эгилиб, унга қовоқларини уйган холда:

— Сиз, Жамилажон, эркак кишини пазор қиляяпсиз. Эркак киши бир гап гапирганда, аёл киши дарров ўрнидан туриб, унинг айтган ишини бажариши керак, — деди. Сўнг орқада қолдириб келган улфатлари томонга тантанавор, кўкрак кериб қаради. — Сиз шундай кетиворган йигитни ана шундай зў-ўр йигитлар олдида уялтираяпсиз-а? Нахотки Ўктамбой сиз учун ҳеч ким бўлмаса?! Аҳду паймон қилган ҳам экансизлар, шекилли. Яхшимас, асал қиз...

Жамила буларга ҳамма қараётганини кўриб, мулзам бўлиб қолди. Ўктамни олдига ўтиб, шартта қўлидан ушлаб, орқасидан эргаштириб, тўйхонадан олиб чиқиб кетай деса, маҳалла-кўй. Уни бу ерда кўпчилик танийди. Маҳалла ўртасига жойлашган юқори қаватли уйда яшаса ҳам маҳалла бир, тўй-маърака бир. Бирон йигит билан қўл ушлашгани у ёқда турсин, гаплашиб туришганини кўришса ҳам хотин-халажлар тилида дoston бўлади. Шундан уялибми, улар томонга боришга ҳам ҳайиқди, ҳам уялди.

— Айтинг, — деди Холматга. — Мен у кишини кутиб турибман. Тезда бу ёққа келсинлар. Зарур гапим бор.

— Нима? — деди Холмат пайтдан фойдаланиб, Жамиланинг узун ва оппоқ бўйнига, қора қошу кўзлари ярашиб тушган чиройли юзига, олча ранг лабларига тўйиб-тўйиб тикилиб оларкан. — У сизни кутаяпти-да. Ўзингиз бориб, лаббай, Ўктамбой ака, демасангиз, жойидан туролмайди. Ахир у, йигит киши. Эркак. Тушунаяпсизми? Обрўсини бир пул қиляяпсиз-ку, ойимча.

— Нега? Нима учун? — хайрон бўлди қиз. — Унга нима бўлди ўзи?

— Аввал у кишининг ёнига бир минутга бўлса ҳам бориб келмасангиз бўлмайди, — деди Холмат чайқаларкан. — Ахир унга ҳам осон тутманг.

— Менинг гапим тамом. Мени деса, хозирок орқамдан чиқсин. Мен уни ортиқ кутолмайман. Бўлмаса,...

— Бекорларни айтибсиз... У чиқолмайди.
— Бўлмаса баттар бўлсин. Менинг унга бошқа гапим йўқ.

— Яхши, унга айтган гапларингизни етказиб қўяман,
— деди Холмат. — Ортиғи билан. Яна нима дей?

— Дард денг, бало денг, — деди Жамила жahl билан Ўктамдан кўзларини узмаган ҳолда. Сўнг орқага ўгирилиши олдидан унга очкўз бўридай тикилиб турган Холматга деди. — Айтинг, агар ростдан ҳам мени чақиртирган бўлса, шу гапи эсида турсин, бундан буён кўзимга кўринмай қўя қолсин!

2

— Бўлмаса нима қилишим керак эди?

Жамила хонанинг бу бурчидан бу бурчига юра бошлади. Ўйга толди. «Негадир ўша, мен Ўктамни тўйхонада ёлғиз қолдирган вақтда негадир Тохир кўринмадимми? Ёки қилар ишни қилиб, жуфтакни ростлаб қолдимикин? Тулки! Қармоқни ташлаб, ўзи ғойиб бўлган».

Тошойнанинг ғаладонини очиб, ғижимланган, бўлак-бўлак бўлиб ётган суратга узоқ вақт тикилиб қолди.

Ўшанда тўғри тўйхонадан чиқиб,..

Хонасига кирди-ю, ўзини диванга отди. Кўзларига ёш тўлиб, унсиз йиғлади. Нимадир эсига тушди, шекилли, дарров ўрнидан туриб, тез-тез девор олдига келиб, ўйланиб қолди. Ер остидан ялт этиб, сервант ичидаги икки четига гул қистирилган суратга бир неча сония термулиб турди. Унда истараси иссиқ, қора сочлари тикка-тикка бўлса-да, кулгичлари ич-ичига кириб, атрофга бирдек табассум тараптиб турган йигит акс этганди.

Йўқ, Жамиланинг кўзлари шу тобда йигитнинг бу ўзига ярашиб турган ҳолати: беғубор кулгисини, самимий қарашларини кўрмади, аксинча, бу қора кўзлар, текис лаблар унинг устидан баралла кулаётган, уни изза қилаётган эди. Жамила суратни қандай қилиб ғижимлаб, бу ҳам камдек уни бурдалаб ташлаганини билмай қолди.

— Керак эмас менга бундай қўрқоқ йигит! — дея деразадан йигитнинг бўлак-бўлак бўлиб кетган суратини япроқлар каби сочиб ташлади-ю, хали қуриб улгурмаган кўз ёши ўрнидан яна янги кўз ёшлар тирқираб оқиб кетди. «Яна уни яхши кўрганимдан синфдош дугонамнинг тўйига таклиф қилиб ўтирибман-а, — ўйлади Жамила. — У эса, қаёқдаги, ўзи энди кўриб турган, танимаган болалар билан мени таништирамоқчи. Яна менга элчи юборганига ўлайми? Ўшаларнинг эрмак қилиб айтган гапларига учиб, лақмалик қилиб юрибди-я! Эркак киши ҳам шунақа бўладими? Бу нимаси? Мен уни десам-у, у эса...

Ширин орзулари барбод бўлган Жамила тушкунликка тушиб, устулга аста чўкканча, кафтини пешонасига тираб, сукутда жимиб қолди. Ички нидо эса: «Эсиз, эсиз, шунча ишончлар, шунча умидлару, шунча мақсадлар» дея такрорлаётгандек эди...

Жамила кун кеча Ўктамнинг шаҳар касалхонасида ётганидан хабар топиб, дарров отланмоқчи бўлди-ю, аммо кийинаётган жойида таққа тўхтаб, ўзини тағин диванга ташлади. «Мен Ўктамнинг олдига боролмайман, — дея ўйлади у шифтга қараб ётганича. — Боришим мумкин эмас. Чунки, уни кечирмайман, кечиролмайман. Тамом-вассалом! Ажаб бўпти, баттар бўлсин! Кўпчилик олдида мени изза қилсин-у, мен уни кўргани, ундан ҳол-аҳвол сўрагани бораманми? Бекорларни айтибди, баттар бўлсин! Ёки ўша кўнги қизлар айтмоқчи, ростдан ҳам атрофида ўтирган йигитлар ёмон ниятда унга кўпроқ арақ ичириб қўйиб, шу ҳолга солишдимикин?! Ҳозир эшитишимча, баъзилар бошқа ширин ичимликларга арақ қўшиб, атайин маст қилишар экан. Албатта одам маст бўлганидан кейин нима деётганини, кимга нима гапираётганини билмай қолармиш. Ўша аёлга «Нима бўлгани эсимда йўқ. Нега бу ерда ётибман, мен билан юрган қиз қани? Жамила қани? Нега мени бегона болалар орасига ташлаб кетди?» деган экан-у, демак, ростдан ҳам бошидан нималар ўтганини билмасмикин?! Йўқ, жуда бунчалик эс-ҳушини йўқотиши мумкин эмас. Ишонмайман. Бу ўзининг қилиб қўйган қил-

ғилиғини яширмоқчи? Билмайман, деб қутулмоқчи. Ҳамма гапига ишонсам ҳам бунисини ишонмайман. Атай, раҳимини келтирмоқчи. Овора бўлади. Бошим қотиб қолди. Кимга ишонишни билмайсан киши. Агар шу гаплари рост бўлса, унда нега.. хато қилганини ҳам билмайдимиз? Менга ҳаммининг олдида айтган гапларини ҳам эслолмайдимиз? Йўқ, бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриш керак. Бу ичкилик деганлари ҳам одамни шунақа, хотирасини йўқотиб қўядими? Бошим қотгандан қотди. Аммо шошиш керак эмас, ҳа, жиддий ўйлаб, кейин хулоса чиқариш лозим. Умида опа билан дурустроқ гаплашиб олишимга тўғри келади. Умида опа, тугунларимизни шу кишигина еча олади».

Жамила шундай дея, тўшагига оёқларини узатиб, устига юмшоқ чойшабни ёпар экан, кўзларига юмай, яна ташқарига, ҳамма нарсани кўриб, кузатиб, гувоҳ бўлиб турган ой ва юлдузларга умид билан термулиб қолди.

3

Ўша куни...

Жамилани излаб чиққан Ўктам уни тополмай, кўчанинг ўртасида тўхтаб, ўзига-ўзи шивирлади: «Битта гапгаям араз. Нимасига аразлади? Мен билан танишганда жуда кулиб, ҳа, жилмайиб туриб, танишган эдилар-ку». Сўнг у чироқлари порлаб турган юқори қаватли уйларни нишонга олиб, юриб-судралиб кета бошлади. «Ҳозир тўппа-тўғри квартирасига чиқиб бораман. Ота-онасига гапнинг лўнда-сини айтаман. Берсангиз беринг, бўлмаса Марғилонимга кетиб қоламан, дейман. Ўқиш,.. водийда ҳам ўқиб олавераман. У ёғини ўйламанглар, ташвиши тушмасин, дейман. Ҳа, берсангиз ҳам берасиз, бермасангиз ҳам берасиз, дейман. Йўқса, анави, бурни узун Тохир илиб кетади, дейман. Бечора мактабдан бери дум, соя бўлиб юраркан. Анави, ким эди, Холматми, Маматми, ана ўшаниси айтаётган эди. Тавба, севмаганга суйкалиб нима қиласан. Яна, йигит кимимиш. Йигит ўзини хор қилиб қўймайди. Дангал-дангал муддаосини айтади-қўяди. Бизнинг Марғилонда ҳам яхши